

Театр – жонли вужуд. У ҳар қандай даврда замонаси билан бирга нафас олади, муаммолари ва масалалари билан ҳамфикрлик қилади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Аммо шу билан биргаликда театр санъати ўз даври тафаккури ва фикрлаш оламига таъсир кўрсатиши, маънавият дунёсида из қолдириши ҳам муҳим. Бу борада Алишер Навоий мероси театр санъати учун тубсиз хазина бўлиб ётибди. Ҳазратнинг ҳар бир достонибир нечадан пьеса васпектаклларга асос, ўнлаб мавзуларга манба бўлиши мумкин.

Бугунги жамиятнинг маънавий эҳтиёжи Алишер Навоий асарларини театр санъати нуқтаи назаридан чуқур англаш ва англатишни тақозо қилади. Эҳтимол келажақда айнан Алишер Навоий асарларини саҳналаштиришга ихтисослашган махсус театр ҳам пайдо бўлар. Ҳозирда эса Алишер Навоий асарларининг муҳиби ва мухлиси бўлгандраматург, режиссёр, актёр, рассом, бастакорлар бевосита навоийшунос мутахассислар билан биргаликда ижод қилиши буюк шоирмеросини ўрганиш сари яна бир амалий ҳаракат, мақсадлиқадам бўлур эди. Академик Азиз Қаюмовнинг илмий мероси эса бу борадаги ишларда улкан восита, таянч манба, муҳим омилдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 12 –жилд. Лисонут-тайр. Масъул муҳаррир: А.Қаюмов. -Тошкент: Фан, 1996. - Б.357.
2. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. -Тошкент: Фан, 1993. - Б.96.
3. Хамса. С.Айний томонидан қисқартириб нашрга тайёрланган. Масъул муҳаррир: П.Шамсиев. Узпеднашр, 1940.
4. Юнус Латиф. «Хамса» //«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1941.11.04.
5. Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: Камалак, 1991. – 176 б.
6. Қаюмов А. Қалб қўшиқлари (Академик В.Зоҳидовнинг «Навоий ижодининг қалби» китоби тўғрисида). – Тошкент: Mumtoz so`z, 2016. –Б. 44.
7. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 2011. – 197 б.

**АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА ФАРЗАНД ВА
ОТА-ОНА МУНОСАБАТИГА БИОГРАФИК ЁНДАШУВИ**

**ALİ ŞİR NEVAİ “HAMSE”SİNDEKİ ÇOCUKLAR VE EBEVEYN
KONUSUNA AZİZ KAYUMOV’UN BİYOGRAFİK YAKLAŞIMI**

*Ободон Адизова,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Abadan Adizova
Buhara Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада адабиётшунос Азиз Қаяумовнинг Навоий асарларини англашда биографик усулдан фойдаланиш маҳорати ёритилган. Шоирнинг дostonлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, биографик усул, бадиий образ, адабиётшунос, бадиий талқин, илмий, мавзу, ғоя, ҳаёт, фарзанд, тарбия, лирик қаҳрамон.

Annotation. The article deals with the mastery of the use of biographic method in understanding the works Navoiy by literary critic Aziz Kayumov. The poems of the writer are also analyzed in the article.

Key words: Alisher Navai, biographic method, artistic image, literary, artistic interpretation, scientific, childhood, friend, literary, topic, idea, life, training, lyrical hero.

Özet. Makalede tanınmış edebiyatbilimcisi Aziz Kayumov’un Ali Şir Nevai eserlerine biyografik yaklaşım metodunun önemi açıklanmıştır. Nevai eserlerindeki çocuklar ve ebeveyn ilişkisinin edebi pedagojik yönü araştırılmıştır.

Anahtar Sözcükler: Ali Şir Nevai, Biyografik metod, edebi tımsal, Edebiyatşınaslık, çocuk, terbiye, kahraman.

Мустақиллик даври халқимиз маънавий олами учун ижобий ўзгаришларга бой бўлди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, улуг мутафаккир Алишер Навоий ҳазратларининг йигирма томлик мукаммал асарлар тўплами нашри амалга ошди. Мумтоз адабиётимизнинг ўзига хос яратилиш анъаналари, улардаги муқаддима қисмлар, илоҳий ва тасаввуфий тушунчаларнинг аслича берила бошлангани қувонарли ҳодиса эди, албатта. Жумладан, Навоий “Хамса”си дostonларининг тўлиқ матнини ўқиш имконияти яратилгани таҳсинга лойиқ бўлди. Натижада Алишер Навоийнинг мукаммал асарлари асосида янги-янги тадқиқотлар, ёхуд мустақил юрт маънавиятига хос янги талқинлар юзага кела бошлади. Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда мумтоз талқинлар асосида тузилди ва бу янгиланиш давом этаётир. Навоий асарларига мурожаат ҳам шу маънода

тобора кенгаймоқда. Бироқ бир ҳақиқатни инкор қилиб бўлмайди: Навоийни ҳамон адабиётшунослару мутахассис навоийшунослар тушуна билади. Кенг китобхонлар оммаси эса бу улуг мутафаккирнинг асарларидаги тасаввуфий-ирфоний, мажозий, ижтимоий-сиёсий қарашларини моҳиятан тўлиқ тушуниб етмайдилар. Навоий ижодини тушунишнинг бир йўли эса бу улуг ижодкор асарларини биографик усулда, яъни муаллиф асарига унинг таржимаи ҳоли, яшаган даври нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганиш заруриятидир. Маҳоратли олим Азиз Қаюмов шоир ижодини ўрганишда кўпроқ айнан шу йўлдан боргани унинг яратган илмий асарларини халққа яқинлаштирган муҳим омиллардан бири бўлди, дейиш мумкин.

Алишер Навоий “Хамса”си бир-бири билан ич-ичидан мустаҳкам боғланган бешта дostonни қамраб олувчи яхлит асардир. Буюк шоир унда ўз даврининг барча долзарб муаммо ва масалаларини қаламга олишга интиланган. Шунинг баробарида ўз ҳаёти билан боғлиқ айрим ҳодисаларни ҳам асарлари мазмунига баъзан билиб, баъзан билмай сингдириб юборган. Азиз Қаюмов Навоийни халққа танитиш, кенг ўқувчилар қалбига олиб кириш, ҳеч бўлмаганда, шоир асарларининг бош моҳиятини, уларда илгари сурилган умуминсоний қадриятлар мазмунини, шоирнинг орзу-истак ва армонларини ўқувчиларга тушунтиришга интилар экан, кўп ҳолларда шоир ҳаётининг мана шундай биографик қирраларини очиб беради.

Азиз Қаюмов, аввало, Навоий “Хамса”сидаги дostonларнинг ижодий таржимасини амалга оширишга, ўзининг теран мушоҳадали талқинларини илмий-оммабоп тилда, бадий тасвирларга бой эссе даражасидаги мустақил асарлар кўринишида халққа етказишга ҳаракат қилгани кузатилади. Инсоннинг фарзанд кўриш орзу-истаги кундалик турмушга оид оддий ҳол ва оддий бир тартибдир. Негаки, ҳар бир инсон ўзидан ном ва из қолдириши учун, аввало, фарзандли бўлишга, яна ўз халқи ва эли учун нимадир эзгу ва хайрли ишлар қилиб қолдиришга интилиб яшайди. Булар инсон моҳиятини белгиловчи қирралардир. Навоий айтганидек:

*Ким, эскирибон ҳаёт раҳти,
Майл этса йиқилғали дарахти.
Нахли бўлғай ёнида навбар,
Раънолиғи ўйлаким, санавбар.*

Шоир демоқчики, агар кишида бола бўлса, унинг ҳаёт дарахти йиқилганида санавбар сингари бир баркамол ниҳол унинг ўрнида қад кўтариб туради. Мабодо ҳодисалар молу мулкани тўзитиб юборадиган бўлиб қолса, меросхўр бунга йўл қўймайди.

Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” дostonининг биринчи ва учинчи ҳикояларида бефарзандлик мавзусида ёзади. Унинг қаҳрамонлари Фаррух ва Саъднинг дунёга келишига ҳам эътибор қаратади. Негаки, фарзанд кўриш иштёқи инсон ҳаётидаги энг эзгу, шу билан бирга, оддий ва табиий истақдир. Ана шу орзунинг амалга ошмаслиги инсон қалбида чуқур ва оғир

ҳислар уйғотиши ҳам табиий. Шу дardни бошидан кечирган инсон билан фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлган одам ўртасида анча фарқ бўлади. Қолаверса, у фарзандсизлик мотиви орқали ўз дostonларида ифодалаётган воқeаларнинг драматизмини кучайтиришни кўзда тутган.

Азиз Қаюмов улуғ шоирнинг фарзандсизлик мотивидан фойдаланиш маҳоратига диққат қаратар экан: “Обрў ва давлат фарзандсизлик ва ёлғизлик ўртасидаги қарама-қаршилиқда турмуш диалектикаси акс этади. Бу эса дoston бадий матосининг пишиқлигидан бир нишонадир”, – деб ёзади (Қаюмов, 2008:13).

Навоий асарларида келтирилган бундай мотивлар шоир асарларининг бадий материали реал ҳаёт, кундалик турмуш билан мустаҳкам боғлиқ эканидан дарак беради. Шоир фарзандга эга бўлгач, уни асраб-авайлаш янада масъулиятли эканини ҳам таъкидлайди. Шу ғояни очиш мақсадида узоқ кутилган фарзандлар Фарҳод ва Қайснинг чақалоқлик ва гўдаклик тасвирига алоҳида ёндашгани кузатилади. Бинобарин, шоир Қайснинг чақалоқлик даврини тасвирлар экан, уни оқ ва юмшоқ жунли пўстинга ғунчани юз либос билан ўраган сингари чирмаганларини, болани кўз мардумидек асраб, совуқ шамол тегишидан эҳтиёт қилганларини айтади. А.Қаюмов таъкидича: “Навоийнинг гўдак Қайс парваришига оид келтирган бундай тафсилотлари, даставвал, воқeалар мантиқи тақозо қилган ҳаракатлардир. Сўнгра эса улғайганидан сўнг бола бошига тушадиган савдолар шиддати бундай авайлаш қаршисида шиддатлироқ бўлади” (Қаюмов, 2008:14).

Ўзбекларда фарзанд ва ота-оналар орасидаги муомала-муносабат, ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг эса ота-онага гўзал ахлоқий муомаласи “Лайли ва Мажнун” дostonида Қайснинг ота-онасига шундай муомаласи орқали ёрқин очиб берилган. Бу ўринда Навоий катта ёшдаги фарзандларга нисбатан тутилмоғи керак бўлган муомала маданиятидан ўзига хос таълим бериб ўтади. Шоир Мажнуннинг ота ва онасини нечоғлиқ қаттиқ ҳурмат қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлари тасвирига алоҳида эътиборни қаратади. Ота-онасига чексиз меҳру ҳурмати туфайли Мажнун уларнинг измидан чиқмасликка ўзини мажбур қилади. Дostonдаги шу ўринларни Азиз Қаюмов: “Агар ўғилнинг ўз ота ва онасига бу қадар итоати бўлмаганда, Лайли кўйида саргардон Мажнуннинг бошқа қизга уйлантирилиши мутлақо асоссиз ва сунъий бўлиб чиқар эди. Мажнуннинг бу итоаткорлиги Навоийнинг кўнглига энг яқин туйғу – “ота ва онага чин фарзандлик муҳаббати ва итоатининг ифодаси ҳам эди”, – дея изоҳлайди (Қаюмов, 2008: 221).

Тўғри, Мажнун билан отаси ўртасидаги муносабатлар ғоят мураккаб эди. Мажнун мурувват ва футувват аҳлига мансуб инсофли ва одобли фарзанд эди. У ота ва она ризолигини баланд тутгани учун отасининг талабини қабул этади ва ўзининг ота ҳукмига бўйсунажagini билдиради..

Мавжуд тарихий маълумотлардан маълумки, Навоийнинг отаси ҳам Мажнуннинг отаси каби кичик бўлса-да, ҳукмронлик мавқеига эга зот бўлган. У Сабзавор вилоятининг бошлиғи вазифасида фаолият юритган. Худди шунингдек, Мажнуннинг отаси ҳам маълум бир қабиланинг бошлиғи эди. Фақат фарқли томони Мажнуннинг отаси образида ёлғиз фарзандига ғамхўр ва фидокор падар, қўли очиқ сахий ва бағрикенг инсон, ўз қўли остидаги одамларга меҳрибон, шафқатли, софдил ва инсофли қабила раҳнамоси гавдалантирилган. Унинг ҳар бир ҳаракати, қилган ишлари, айтган сўзлари шу таърифни исботлайди. Инсонпарварлик характери унинг табиатидан келиб чиқади. Масалан, Мажнуннинг отаси ўғлига ҳамиша яхшилик тилайди. Бу яхшиликни ота ўз тушунчасига мослаган ҳолда амалга оширади. Айтайлик, Қайс телбанамо ишқ даштида кезгани учун ҳамма уни “Мажнун” деб атаётган бошлагани ота қалбини ниҳоятда эзиб юборади. Бунинг олдини олиш мақсадида ота ўғлини занжирга солади. Ёки яна ота ўғлининг туйғуларига зид бориб, уни Навфалнинг қизига уйлантириш тадбирини қўллайди. Бу билан аслида ота эзгу ва хайрли мақсадни кўзда тутди.

“Лайли ва Мажнун”да отанинг ўғлига нисбатан ғоятда одобли ва инсофли муносабати ҳам кўрсатиб ўтилган. Негаки, бунда ота фарзандининг ишқ йўлидаги савдойилигига дастлаб тоқат қилади, ўзининг оқил ва ҳушёрлигини намойиш этиб, тақдирга тан беради.

Мажнуннинг эсу ҳуши жойида, назми ҳам равон экани ҳақида айтилаётган бу мисралар Навоийга ҳам тегишлидир. Чунки Навоий отаси тириклик пайтлари шоир сифатида ном қозониб улгурган эди. Ақлли, шоиртабиат Ғиёсиддин Кичкина эса қандай инсон шоирлик қила олишини, бунинг учун инсонда нафақат туғма истеъдод ва қобилият, балки теран ақл-заковат, билим бўлишини яхши биларди. Шу сабабдан у ўғли тутган йўлни тушуниб, унга қаршилиқ кўрсатмаган. Ўғлига ва унинг келажагига, ижодига ишонч ва ҳурмат билан қараган. Уни ўз тушунчалари асосида бошқаришга, ўзи маъқул деб билан йўлидан юргизишга ҳаракат қилмаган. Ўғлига ҳамиша инсоф ва адолат билан муносабат кўрсатган.

Азиз Қаюмов Навоий ижодига шоир биографияси нуқтаи назаридан нигоҳ ташлар экан: “Шоир ижоди ҳар доим у яшаган даврнинг энг муҳим масалаларини қамраб олган ва уларга жавоб берган. Шу жиҳатдан улар бадиий ижоддаги замонавийликнинг ёрқин тимсоли бўла олади деб ҳисоблайди. Биографик усул адабиётшунос Азиз Қаюмов фаолиятининг устувор йўли бўлиб, Навоийни англашда, унинг асарлари моҳиятини чуқур тушунишда энг мақбул метод эканини тўлиқ намоён этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қаюмов А. Асарлар 1-жилд, 2-китоб. Ишқ водийси чечаклари. “Лайли ва мажнун”. Етти саёҳатчи. “Садди Искандарий”. -Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008. – Б.400

2. Қаюмов А. Асарлар. 10 томлик. 4 том. – Б.368